

Jannat onalar oyog`i ostida, matonat o`zbek ayoli bag`rida



ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА, МАТОНАТ ЎЗБЕК АЁЛИ БАҒРИДА



Азамат ЗИЁ,

**тарих фанлари доктори,
профессор**

Илк қадамларини ёввойиларча турмуш кечириш билан бошлаган кишилик жамияти бу тор дунёда яшаб қолиш учун нималар қилмаган дейсиз. Вақт

Мана шундай улкан, ақлга сиғмас йўқотиш, беҳуда ҳаракатларга қарамай, инсоният уруш фалсафасидан бутунлай қутулолмаган. Бу ҳам етмагандек, урушга аталиб афсоналар, дostonлар битилган, илмий, бадиий ва санъат асарлари яратилган. Урушдан яхшилик қидирадиган таълимотлар ҳам бор. Бироқ уруш доимо фожиа эканини уқтирувчи қараш барибир устундир.

Ушбу мақолани ёзишда инсоният тарихидаги турли уруш-талашлар билан боғлиқ воқеалар ва уларнинг кейинчалик тарихчилар, адабиёт ва санъат аҳли томонидан ёритилишини эплаганча эслаб кўрдик. Ёндашувларнинг ҳар қандайи бор, бироқ уруш ва она мавзуси ярқ этганини тополмадик. Светлана Алексиевичнинг Нобель мукофатига лойиқ кўрилган асари ҳам урушда қатнашган жангари аёлларга бағишланган.

Энди мана бу ҳужжатли далилга қаранг: 1945 йил охирида СССР аҳолиси орасида 20 дан 29 ёшгача бўлган хотин-қизлар сони худди шу ёшдаги эркаклардан икки марта кўп бўлган. Шу ўринда юқорида келтирилган "биргина" сон – 42 миллионни, жумладан, 538 000 дан ортиқ юртдошимизни эслаб, уларни ҳам она тукҳанмиди, саволини ўртага ташласак. Бундан ташқари, урушга кетиб, на ўлиги, на дараги бор 158 000 дан кўпроқ ватандошимизнинг ҳам онаси бормиди, деб сўрасак... Сўнг ўйласак, кўз олдимизга келтирсак, ўринласига ўзимизни кўйиб кўсак.

[Скачать газету \(.pdf 3.48 mb\)](#)